



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**

**ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

6 – синф Тарих фанидан «Ўрта Осиё аҳолисининг
юнон – македон босқинчиларига қарши кураши»
мавзусини ўрганиш



Наманган – 2008

Тузувчи: Ҳ . Шарифбоев НВПКҚТМОИ ижтимоий фанлар
ва маънавият асослари кафедраси
катта ўқитувчиси

Такризчилар: Б . Абдурахмонова НВПКҚТМОИ ижтимоий
фанлар ва маънавият асослари
кафедраси мудири

Н . Йўлдашева НВПКҚТМОИ ижтимоий фанлар
ва маънавият асослари кафедраси
катта ўқитувчиси

Услубий тавсия ижтимоий фанлар ва маънавият асослари
кафедрасининг 2008 йил _____даги _____ - сонли қарорига биноан
НВПКҚТМОИ илмий кенгашига тавсия этилган.
НВПКҚТМОИ илмий кенгашининг 2008 йил _____даги ____ - _сонли қарорига
асосан нашрга тавсия этилган.

Ватан тарихи халқимизнинг хотираси, ватанимизнинг ўтмиши, авлодлар севиб, эъзозлаб, ўрганиб, ўрнатиб ва сабоқ оладиган ҳаёт мактабидир. Тарихий ўтмишсиз бирор бир халқнинг бугуни бўлмаган ва келажаги ҳам бўлмайди. Тарих одамларни ўйлантиради, бўлиб ўтган тарихий воқеа ва ҳодисаларни фарқлаш, таҳлил қилиш ва улардан амалий, ҳаётий хулосалар чиқариш асосида амалий дастурий ҳаракатлар йўлланмасини белгилашга ёрдам беради.

Ўз тарихини, ота-боболари ва авлодларининг ўтмишини, босқинчиларга қарши курашлари тарихини ёшлар онгига сингдирмасдан улар калбида миллий ўзлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мумкин эмас. Ватан тарихини ёшларига чуқур ва мукаммал ўргатиш уларни жасур, ақл идрокли ватанга фидойи фарзандлар бўлиб етишишига ёрдам беради. Бунда 6 – синф Ўзбекистон тарихига оид мавзуларни мукаммал ўрганишнинг ҳам аҳамияти катта.

Такомиллашган давлат таълим стандартида 6 – синф тарих курсида Ўрта Осиёга Аҳамонийларнинг босқинчилик юришлари, Ўрта Осиё аҳолисининг юнон – македон истилочиларига қарши кураши мавзуларини ўрганиш учун 4 соат, мавзуларни такрорлаш учун 1 соат вақт ажратилган. Биз қуйида Ўрта Осиё аҳолисининг юнон – македон истилочиларига қарши кураши мавзусини ўрганиш тўғрисида фикр юритамиз.

Биринчи дарсда «Македониянинг юксалиши, Македониялик Александр юришлари» ўрганилади.

Дарснинг таълимий мақсади:

Македониянинг юксалиши, Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий санъати, юнон – македон босқинчиларига қарши курашда Ўрта Осиё халқлари қаҳрамонлигини кўрсатиб бериш ҳар қандай босқинчиларнинг бостириб киришларининг ҳалокатли оқибатларини тушунтириш.

Дарснинг тарбиявий мақсади:

Ўқувчиларда Ватанни севиш, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги учун жон фидо қилиш, ватанимиз ва халқимиз билан фахрланиш туйғуларини тарбиялаш.

Дарснинг жиҳози:

6 – синф тарих дарслиги, Ўзбекистоннинг сиёсий харитаси Г.А. Ҳидоятловнинг «Менинг жонажон тарихим» тарихий - географик очерки, Македониялик Александр лашкари, Спитамен ва бошқа мавзуга оид расмлар.

Дарс қуйидаги режа асосида олиб борилади:

1. Милоддан аввалги IV асрда Македониянинг юксалиши.
2. Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий санъати.
3. Македониялик Александрнинг босқинчилик юришлари.
4. Македониялик Александрнинг Амударёдан ўтиш режалари.

Ўқитувчи биринчи дарсни милоддан аввалги 338 йилда Македония подшоси Филипп II Херонея яқинидаги жангда юнонлар қўшинини тор-мор этиши, ана шу жангда Филиппнинг ўғли Александрнинг жасорати, 336 йилда отаси вафотидан кейин йигирма ёшли Александр Македония подшоси бўлганлиги тўғрисида гапиради.

Дарсни давом эттириб, Александр ўзига садоқатли куч-ғайратли ва жасоратли қўшин билан 334 йилда Шарққа юриш бошлагани, ўн йил давомида кичик Осиё, Сурия, Миср, Эрон ва Ҳиндистоннинг катта – катта ҳудудларини босиб олиб, юнонларни жойлаштирганлиги ҳақида сўзлаб беради ва қуйидаги матнни ўқитади:

Искандар бутун Эронни талади. У Персеполда аҳмонийларнинг 120 минг талант сақланиб келган асосий хазинаси, Сузида яна 50 минг талантни босиб олди. Искандар бойиб, қудратли бўлиб кетди ва барча халқлар назарида ярим худо даражасига кўтарилдики, бу нарса уларни даҳшатга солди ҳамда қаршиликсиз бўйсунушга мажбур қилди. Македон подшосининг шафқатсизлиги тўғрисидаги миш – мишлар ҳам ваҳима туғдирарди. У салгина қаршилик кўрсатганларни ҳам бешафқат жазолар, шаҳарларни ёндирар, минг – минглаб кишиларни ўлдирарди. Бу даҳшат солиш тактикаси эди. Искандар Персеполни ўз қўшинларига талатиб, кейин ёндириб юборди.

Г. А. Ҳидоятлов, Менинг жонажон
тарихим, Тошкент «Ўқитувчи» –
1992 й, 38 бет

Ўрта Осиё жангчилари VII-IV асрларда жангга совут, дубулға кийиб кирганлари ва уларнинг қуроллари ҳақида ҳикоя қилиб, қуйидаги матнни ўқитади;

Жангчилар ханжар ва қилич билан қуролланганлар. Жанговар ойболта ва найза ҳам ишлатганлар. Камон ўқи ва чопқилар, темир ва жездан ясалган. Жангчилар отда ҳам, пиёда ҳам жанг қила олганлар. Ўрта Осиё халқлари орасида ханжар «ақинак»,

жанговар ойболта эса «сағарис» деб номланган. Узоқ масофадан туриб жанг қилиш куроли сифатида камон ўқларидан фойдаланилган.

Жанговор отлар устига ва кўкрагига темирдан тўқилган баргиствон ёпилган.

6-синф тарих дарслиги, Тошкент, 2005 й,
134 бет.

Милоддан аввалги VII-IV асрларда Қизилтепа , Афросиёб ва Узунқир каби шаҳарлар мустаҳкам девор билан ўраб олингани, деворлар тепасида камончилар учун йўлаклар бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Дарсни давом эттириб, милоддан аввалги 330-йилда Александр қадимги Форс давлатининг шоҳи Доро-III қўшинларини тор-мор қилгани, Амударёнинг нариги томонида яшовчи элатларни бўйсундирмоқчи бўлганлиги тўғрисида маълумот берилади ва қуйидаги матнни ўқитилади:

Биринчи бўлиб унинг йўлини тўсган шаҳар Бақтрия пойтахти Бақтра (Зариаср) бўлди. Бу ерда сатрап Аҳамонийлар сулоласидан бўлган Бесс эди. У Бақтра шаҳрини ҳимоячиларга ташлаб, Амударёнинг нариги тарафига қочган эди. Сўғдиёна мустақиллигича турар эди.

6-синф тарих дарслиги, Тошкент, 2005 й,
134 - бет.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг дарсда олган билимларини аниқлаш ва баҳолаш учун уларни 4 гуруҳга бўлади. Қуйидаги саволлар ёзилган конвертларни гуруҳ сардорларига беради ва тайёрланиш учун 10 дақиқа вақт ажратади.

1. Александрнинг ҳокимият тепасига келиши тўғрисида сўзлаб беринг?
2. Ўрта Осиёлик жангчиларнинг қуроллари айтиб беринг ва изоҳланг?
3. Милоддан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиё шаҳарлари қандай бўлган? Харитадан кўрсатинг ?
4. Александр истилолари ҳақида нималарни биласиз?

Саволларга тайёрланиш учун ўн дақиқа вақт ажратилади.

Гуруҳ аъзолари жавоблари тингланади, камчиликлари тўлдирилади ва мустаҳкамланади. Фаол қатнашган ўқувчилар рағбатлантирилади.

Ўқитувчи дарсни Александрнинг Марокандани босиб олиш учун тайёргарлик кўраётгани ҳақидаги фикрлар билан тугатади ва дарсликдан 133-137- бетларни ўқиб келиш ва Александр ишғол қилган ҳудудларни ёзувсиз харитага тушириб келишни вазифа қилиб беради.

Иккинчи дарс «Мароканданинг босиб олиниши» мавзуси «Босқинчилар деганда нимани тушунасиз?», «Мамлакатимиз халқлари босқинчиларга қарши қандай кураш олиб борган?» саволлари билан ўқувчиларга мурожаат қилиб, синфда муаммоли вазиятни вужудга келтириш билан бошланади. «Ақлий ҳужум» усули билан бир неча ўқувчиларнинг «Босқинчилик», «Босқинчилар», «Мамлакатимиз халқларининг ташқи душманларга қарши курашлари» ҳақидаги тушунчалари аниқланади.

Дарс пухта тузилган қуйидаги режа асосида давом эттирилади:

- 1.Александрнинг навбатдаги босқинчилик юришлари.
- 2.Мароканданинг босиб олиниши.
- 3.Спитамен қўзғолони.
- 4.Босқин оқибатлари.

Ўқитувчи Александрнинг навбатдаги юришлари тўғрисида гапириб 30 000 кишилик пиеда, 5 000 суворий, 150 та кема билан ўн йил мобайнида Сурия, Финикия, Миср, Эрон ва Туронни забт этиши ва Ҳиндистонга юриши, 339- йилда унинг қўшинлари Амударёдан ўта бошлагани, Марокандани эгаллагани ҳамда сўғдиёна халқи, уларга қўшилган сак ва массагетлар қўзғолон кўтарганлиги, уларга истеъдодли Спитамен раҳбарлик қилгани, курашнинг давоми, босқин оқибатлари ҳақида гапиради.

Дарс қуйидагича давом эттирилади. Ўқувчилар ўқитувчи таклифи билан «П» шаклида жойлаштирилган парталар олдида доира шаклида сафланади. Ўқувчиларга махсус тайёрланган оқ, қизил, кўк, сариқ рангли карточалар тарқатилади.Бир хил рангли карточкалар олган ўқувчилар 4 гуруҳга бўлинадилар. Ўқувчилар гуруҳ сардорларини тайинлайдилар. Гуруҳ сардорлари «Александрнинг Амударёдан кечиб ўтиши ва навбатдаги юришлари ҳақида гапиринг?», «Александр Марокандани қандай қилиб босиб олди?» , «Сўғдиёна халқи қандай қаршилик кўрсатди?», «Спитамен қўзғолони ҳақида нималарни биласиз?» ,

«Александр юришлари Шарқ халқлари бошига қандай кулфатлар келтирди?» «Александр босқинлари қандай оқибатлар билан тугади?» каби саволлар ёзилган конвертлардан бирини танлаб оладилар. Саволларга жавоб тайёрлаш учун 10 дақиқа вақт ажратилади. Навбат билан гуруҳ аъзолари жавоблари тингланади, гуруҳ аъзолари иштирокида жавоблар тўлдирилади.

Ўқитувчи Александрнинг босқинчилик юришлари Ўрта Осиё ерларини харобазорга айлантиргани, аҳолининг катта қисми қирилиб кетгани, шаҳарларнинг вайрон этилиши, вақтлар ўтиши билан аста-секин ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланиши, маҳаллий ва юнон маданиятлари анъаналари ўзаро омукта бўла бориб, Ўрта Осиёда Юнон-Бақрия ва Парфия сингари антик давлатлар тараққий этганлиги ҳақида гапириб дарсни якунлайди.

Дарсликда берилган А.Сағдуллаевнинг «Оловли ўқлар» китобидан олинган «Қасос» парчасини ўқиш ва мазмунини ёзиб келиш, рангсиз харитага Александр ишғол этган ҳудудларни бўяб, шаҳар номларини ёзиб келишни уйга вазифа қилиб берилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида:Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Тошкент. «Ўзбекистон»- 1997 йил
- 2.И.А.Каримов.»Тарихий хотирасиз келажак йўқ», Тошкент , 1998 йил
- 3.Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд, Тошкент- 1992 йил.
- 4.Г.А.Ҳидоятлов, Менинг жонажон тарихим, Тошкент «Ўқитувчи».- 1992 йил
- 5.В.Костецкий. Тарих, «Қадимги дунё» ,6 синф. Ўқитувчилар учун услубий қўлланма.Тошкент, 2003 йил.
- 6.Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси,Тошкент- 1996 йил.

